

Табиатга эстетик муносабатни шакллантиришда экологик онг ва маданият таъсирининг тарихий генезиси

А.Қ.Айматов
aminjonaymatov@mail.com
Самарқанд давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада, шахсининг табиатга эстетик муносабатини шаклланишида экологик онги ва маданиятининг ривожланиш тарихий боскичлари ўртасидаги ворисийлик ва алоқадорлик, уларнинг санъат асарлари бадиий образларида ифодаланиш хусусиятлари табиатни муҳофаза қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги ёритиб берилган. Табиатга эстетик муносабатга санъат турлари, адабий жанрлар йўналишида қараб, экологик муаммолар ечимида миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийликнинг функционал аҳамиятини, ролини таҳлил қиладиган бўлсак, унда умуминсоний мазмун ва миллий колорит уйғунлигини кўришимиз мумкин эканлиги ҳақида фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: эстетик тафаккур, табиатга эстетик муносабат, интеграция, регуляция, объектив ва субъектив омиллар, индивидуаллик, экология, гўзаллик, нафосат, эстетика, глобаллашув, бошқарув, бадиий образ, дунёни эстетик ўзлаштириш.

Historical genesis of environmental awareness and cultural influence in the formation of aesthetic attitude to nature

A.Q.Aymatov
aminjonaymatov@mail.com
Samarkand State University

Abstract: In this article, the succession and connection between the historical stages of the development of ecological consciousness and culture in the formation of the aesthetic attitude of a person to nature, and the characteristics of their expression in the artistic images of the works of art are particularly important in the protection of nature. If we analyze the functional importance and role of nationalism and universality, traditionalism and modernity in the solution of environmental problems, looking at the aesthetic attitude to nature in the direction of art types, literary genres, we can see the harmony of universal content and national color.

Keywords: globalization, ecology, culture, aesthetics, nature, society, aesthetic mastering of the world, sophistication, beauty, value, tradition, ecological development.

Инсоният жамияти пайдо бўлиши асосида, аввало, одамнинг табиатга муносабати ётади. Зеро, ҳар кандай ижтимоий муносабат табиий географик маконда содир булади. Унинг мавжудлиги, муайян тарихий даврда ва даражада шаклланиши экологик онгни, маданиятнинг “моддийлашувини” тоқозо этади.

Шахснинг табиатга эстетик муносабатини шаклланишда экологик онги ва маданияти ривожланиш тарихий боскичлари ўртасидаги ворисийлик ва алоқадорлик, уларнинг санъат асарлари бадиий образларида ифодаланиш хусусиятлари табиатни муҳофаза қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Қадимги давр экологик онги ва маданиятининг антик давр асарларига, тарихий-бадиий манбаларга трансформацияси, дастлабки халқ оғзаки ижоди намуналарида, ғорлар ва тоғ ҳарсангларига битилган сураталарда ўз ифодасини топган. Кейинчалик эса, шаклланган бадиий ёзма адабиёт инсоннинг табиатга муносабатини эстетиклаштириш ва бадиий образларда ифодалашнинг янги тарихий даврни бошлаб берган.

Марказий Осиё халқларининг экологик онг ва маданият тўғрисидаги қарашлари эрамиздан уч минг йиллар олдин вужудга келган ва айрим тадқиқотчилар томонидан дастлабки дунёвий дин деб ёритиб берилган зардуштийлик дини таълимотларига бориб тақалади.

Зардуштийшунос тадқиқотчиларининг қайд этишларича, қадимги афсонавий Атлантида ҳалокатидан кейин жаҳон маданияти маркази Ҳимолай ва Тибет тоғларига, Тўрон текистликларига кўчган. Бу маданият маҳаллий маданият билан интеграциялашиб, инсониятнинг ер юзидаги энг қадимги ва умумий маданиятига айланган ҳамда зардуштийлик номи билан бутун дунёга машҳур бўлган.

Шуни айтиш жоизки, турли миллат ва элатларнинг табиатга эстетик муносабати ва уни бадиий образларда ифодалашда ўзига хос менталликка, миллий тажрибага эга бўлса ҳам, умуминсоний экологик мақсад бирлигини, функционал уйғунликни кўрамиз. Бошқача қилиб айтганда, турли миллат ва халқларнинг экологик муаммоларни бадиий образларда ифодалашда бир-биридан миллий эҳтиёжлари ва манфаатлари индивидуаллиги; тасвир объекти, ифодалаш усули, методологик ёндашуви ва бошқа жиҳатлари билан жузъий фарқ қилса ҳам, умумий экоэстетик қадриятлар тараққиётида анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштириш, эскини инкор қилиш ва янгини яратиш, кун тартибига қўяётган муаммолари доирасида умумийликни намоён қилади. Лекин табиатга эстетик муносабатдаги миллийликда у ёки бу даражадаги

консерватив-анъанавийликни, прогрессив-янгиликни экологик онг ва маданият ривожланиш даражаси сифатида эътироф этиш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги замон экологик илмий таълимотларида, амалий ҳаракатларида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг дастлабки - ибтидоий шаклларида қайтишга чақириқлар кучаймоқда. Буни экологик таълимотларда *“традиционализм”* деб аташ ўринли бўлиб, уни замонавий инвайронментализм ғояларида, «Рим клуби» назарияларида яққол кўрамиз. Бу таълимотлардаги *“консервативизм”* ва либерализм инсоният цивилизацияси келажагини сақлаб қолишга йўналтирилган, муқобили бўлмаган назария сифатида кенг жамоатчилик ўртасида юқори мавқега эга бўлиб бораётганлиги ҳам глобал экологик онг ва маданият тараққиётини кўрсатади.

Шуни айтиш керакки, жамият тараққиётининг тарихий тажрибалари техника, технология, интеллектуал салоҳият прогрессивликка қанча кўп даъвогарлик қилса, экологик вазият учун *“зарарли”* эканлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, барча ижтимоий онг шаклларида экологик онг ва маданият доирасида интеграциялашувига зид фаолият йўналишлари экологик барқарор тараққиётга салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, табиатга эстетик муносабатдаги қашшоқлик экологик онг ва маданият ривожланишидан орқада қолса жамият барқарор тараққиёти тизимини издан чиқиш хавфини кучайтиради.

Табиатга эстетик муносабатга санъат турлари, адабий жанрлар йўналишида қараб, экологик муаммолар ечимида миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийликнинг функционал аҳамиятини, ролини таҳлил қиладиган бўлсак, унда умуминсоний мазмун ва миллий колорит уйғунлигини кўрамиз. Чунки экологик муаммолар глобаллашиб, кескинлашиб кетаётган ҳозирги шароитда умуминсоний эҳтиёжлар интеграциялашуви ва универсаллашуви айнан шу соҳада умуминсоний моҳиятини ва миллий мазмунини аниқлаштирмоқда. Яъни, миллий экоэстетик қадриятлар умуминсоний характер касб этиши қонуният мақомига эга бўлиб бормоқда.

Инсониятнинг экологик эҳтиёжлари, манфаатлари глобаллашуви ва универсаллашуви миллий экологик қадриятларга (хусусан, экологик онг ва маданиятга) эстетик муносабат йўналишларини ва интеграциялашиш имкониятларини аниқлаш заруриятини вужудга келтирди. Хусусан, шахс экологик онги ва маданиятининг бадиий-эстетик ифодаси масаласида миллийлик таркибида - умумбашарийлик, анъанавийлик таркибида - замонавий элементлар интеграциялашуви тенденцияларини аниқлашни тақозо қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, экологик муаммолар доирасида миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик ўртасидаги фарқлар нисбий ва шартли характер касб этмоқда. Лекин бу хусусиятлар мутлақ бўлмасдан,

аниқ экологик вазиятда шахс экологик онги ва маданиятини эстетик жиҳатларини очиб беради.

Умумлаштириб айтганда, миллий ва умуминсоний, анъанавий ва замонавий экологик қадриятлар интеграциялашувининг табиатга эстетик муносабатни шакллантиришдаги роли: *биринчидан*, тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган, лекин унутилишга маҳкум этилган миллий экологик анъаналарни қайта тиклаш ва уларни бадий образлар воситасида трансформация қилиш умуминсоний экологик қадриятлар шаклланиши ва ривожланиши (глобаллашуви) шартидир; *иккинчидан*, миллий экологик анъаналарнинг таъсир доирасини кенгайтиришда турли ижтимоий онг шакллари, хусусан табиатга эстетик муносабатни экологиялаштириш орқали анъанавийлик ва замонавийликни, диний ва дунёвий экологик қадриятларни интеграциялаштириш мумкин; *учинчидан*, табиатга эстетик муносабат жараёнида шаклланган экологик образларда анъанавийлик ва замонавийликни, миллийлик ва умуминсонийликни уйғунлаштиришга дифференциал ёндашишни тақозо қилади; *тўртинчидан*, экологик онг ва маданият глобаллашаётган шароитда миллий биқиқлик, этноэгоистик стереотипларни мутлақлаштириш табиатга эстетик муносабатда миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлашувига тўсқинлик қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Карабоев К. Она табиатни асрайлик.-Тошкент:Фан, 1998, 67б
2. Мамашокиров С. Экологик таълим –тарбиянинг методологик масалалари.-Тошкент:Нур, 1993, 141, бет
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Тошкент:Ўзбекистон, 1999, 686 б
4. Каримов И.А. .Энг асосий мезон-хаёт хақиқатини акс эттириш.-Тошкент:Ўзбекистон, 2009, 24 б
5. Мамашокиров С.Вахимами ёки хақиқат.Тошкент.Иқтисод-молия.2012, 232 б
6. Хужамуродов И.Р.Маънавий баркамоллик зийнатдир.-Тошкент:Мехнат, 1993, 200 б
7. Шермухамедова Н.Фалсафа ва хаёт методологияси.Тошкент:УзМу босмахонаси, 2005, 388 б
8. Межуев В.И.Культура и история.-М.:1977
9. Тураева Д. Ш. PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE MEETING EVENT //Confrencea. – 2022. – Т. 1. – №. 1.